ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ТАКОМИЛИДА МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАЪНАВИЙ ЭҲТИЁЖНИНГ ЎРНИ

М. Назаров

Статья посвящена раскрытию роли и места национального сознания и духовной потребности в развитии системы образования. В ней обстоятельно показано, что развитие системы образования предполагает духовное развитие молодежи, что национальное самосознание составляет духовную основу системы образования, этим они диалектически взаимосвязаны.

The given article is lwoted to the place and role of national realization and spiritual requirement in the development. Of the system of education. In the article is shown thoroughly, that the lwelopment of the system of education assumes spiritual development of youth. National realization makes up spiritual base of the system of education, they are dialectically connected.

Таълим-тарбия барча даврларда ҳам инсоният олдида ҳал этилиши зарур бўлган энг муҳим долзарб вазифа бўлиб турган. Шунингдек, у одамларнинг амал қилиб келаётган тажрибалари, ютуқлари, урф-одатлари ва анъаналари асосида ташкил қилинган.

Фарзандлар тарбиясига доир шаклланган урф-одатларимиз, боқий анъаналаримиз кўп. Бугунги кунда ҳам улардан ёшларни тарбиялашда кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Республикамизда таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар худди мана шу мақсадга йўналтирилган. Зеро, ушбу масала ғоявий нуқтаи назардан “Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури” ва “Таълим тўғрисида”ги Қонун принципларига сўзсиз мувофиқ келади.

Хусусан, “Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури” да зикр этилган узлуксиз таълимнинг миллий модели (принципи) тамойиллари моҳиятан таълимнинг миллий-маърифий, илмий, тарихий, халқ анъаналари, миллий меросимиз билан уйғунликда олиб борилишини англатса, “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг 4-бобида, маънавий-аҳлоқий тарбия ва маърифий ишларни такомиллаштириш, унинг замонавий тарбиявий шакл ва воситаларини ишлаб чиқиб, амалиётга татбиқ этиш, миллий, тарихий анъаналар ва умумбашарий қадриятларга асосланиш муҳим аҳамият касб этиши алоҳида қайд этилган. Миллий моделга кўра, таълим тизимини янгилаш табиий равишда миллий меросимизни ўрганиш ва уни педагогик тафаккур истеъмолига олиб кириш заруриятини англатади.

Чунки бозорнинг ўзгарувчан шароитларида меҳнат қилишга лаёқатли бўлган ўзимизнинг юқори малакали маҳаллий кадрларимизсиз Ўзбекистоннинг мустақиллигини тасаввур қилиш қийин. Нафақат, умумий маълумот ва тарбияни, балки, кадрларнинг касб-корга йўналиш олишини, уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишини ўз ичига олувчи ягона узлуксиз миллий таълим тизимини яратиш вазифаси қўйилганки, бунда Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятлари, халқнинг миллий-руҳий турмуш тарзи, таълимдаги бутунжаҳон ва Шарқ тажрибасининг энг яхши ютуқлари ҳар томонлама эътиборга олиниши керак. Олий ва ўрта махсус таълимнинг бутун тизимини тубдан қайта қуриш асосида талабалар ўқийдиган мутахассисликлар таркибини жиддий ўзгартириш керак бўлади. Аммо бу ўта мураккаб ва маъсулиятли вазифадир.

Бинобарин, давлатнинг ислоҳотчилик вазифаларини демократик талаблар асосида, халқимизнинг ва жамиятимизнинг манфаатларига мос ҳолда амалга ошириладиган истеъдодли, изланувчан, чуқур билимли ва юксак малакали, Ватанга, она заминимизга садоқатли ёш кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва янгилашга имкон берадиган тизимни такомиллаштириш, вазифаси ҳам айни ана шу мақсадларни ўз ичига олади. Бу ҳеч қайси замонда осонликча ҳал бўлмайдиган, одамларнинг тафаккури ва дунёқараши ўзгаришини тақазо этадиган, одатда субъективизм, манфаатпарастлик, уруғ-аймоқчилик каби кўпдан-кўп иллатларни бартараф этиш, жамиятни тубдан янгилашни талаб қиладиган жараёндир. Давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий-сиёсатининг қанчалик тўғри ва самарали амалга оширилиши кўп жиҳатдан турли бўғиндаги ташкилот ижрочилари, қўйингки, кадрларга боғлиқ [5;13].

Уларнинг касбий тайёргарликлари қанчалик баланд бўлса, ўз вазифаларини қанчалик ҳалол ва виждонан бажарса, ишлар шунча олға кетади, кундалик муаммолар тезроқ ҳал бўлади. Бу ҳол одамларнинг қайфиятига ва уларнинг давлат идораларига муносабатига ижобий таъсир қилади. Шунда жамиятда ўзаро ишонч мустаҳкамланади, ижтимоий-сиёсий, маънавий-аҳлоқий муҳит яхшиланади.

“Лўнда қилиб айтганда, бугунги кунда олдимизга қўйган буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи амалга оширилаётган ислоҳотларимиз, режаларимизнинг самараси тақдири-буларнинг барчаси, аввалам бор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб етмоқдамиз” [4;9].

Соғлом авлодни тарбиялаш, эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш, баркамол инсонни вояга етказиш ҳам ана шу мақсадлар сирасига киради. Зеро, ҳар бир шахс ижтимоий жараёнларни ўзида мужассам этувчи куч сифатида маънавий, маданий, маърифий эҳтиёжлар ва миллий манфаатларни теран англай оладиган, миллий истиқлол ғояси ва жамиятимиз мафкурасини онгги ва қалбига сингдира олган янгича тафаккурга эга бўлган инсон сифатида шакллланмоғи керак. Таълим ва тарбия жараёнида, ижтимоий маънавий тизим, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, қолаверса, жамиятдаги тўлақонли ахборот макони орқали у аниқ ва оқилона йўналтирилган мафкуравий қадриятлар, меъёрлар ва талабларини ўзлаштириши зарур [6;12].

Худди мана шундай талабларга жавоб бера оладиган интеллектуал салоҳиятга эга бўлган кадрлар шаклланиб бормоқда. Бу хусусида тўхталар экан, Президентимиз қуйидагиларни таъкидлаган эди: «Бизнинг ўрнимизни босадиган янги авлод етишиб чиқмоқда. Масаланинг моҳияти улар ҳаётга қандай билим, қандай интеллектуал ва маънавий бойлик, қандай замонавий билимлар билан кириб келишидадир» [1;51].

Президент томонидан бу масала орадан ўн йил ўтгач мустақилликнинг 16 йиллиги муносабати билан қилинган маърузада қуйидагича таърифланади: "Юртимизда ўз Ватанининг тақдири, унинг бугуни ва кеклажаги учун масъулиятни чуқур ҳис этадиган, мустақил ва янгича фикрлайдиган кадрларга эҳтиёжни қондириш вазифаси биз мустақилликка эришган биринчи кунданоқ ўта муҳим ва ҳал қилувчи масалага айланган эди.

Ана шу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда, 1997-2009 йилгача бўлган даврга мўлжалланган "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" 12 йиллик таълимга ўтишни, узлуксиз таълимнинг яхлит тизимини яратишни кўзда тутади" [3].

Бугунги кунда 1 минг 140 тага яқин академик лицей ва касб-ҳунар коллежи 4 минг 680 тадан зиёд умумтаълим мактаби янгитдан қурилди ва капитал таъмирланди. Олий таълим соҳасидаги туб ислоҳотлар натижасида бакалавр ва магистр тайёрлашнинг Европа тизимига ўтилди. Ҳозирда 65 та олий ўқув юртида 850 йўналиш ва мутахассислик бўйича 300 мингга яқин талаба таълим оляпти.

Шуни унутмаслик керакки, айрим фуқаролар, маъсул кишилар тафаккурида жойлашиб олган эскича тасаввур, ёндашувлар, иш услубида манфаатни тор доирада англаш ва унга зимдан амал қилиш ўзларининг фаолият даражаларигагина эмас, балки, жамият тараққиётининг муҳим пойдевори бўлган шахснинг баркамоллик даражасига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Янгича тафаккур эса, жамият тараққиётида инсонга энг олий неъмат сифатида қарайди. Инсон манфаатлари учун хизмат қилиш унинг устивор йўналиши ҳисобланади [7;68]. Мана шу нуқтаи назардан келиб чиқилса, жамият бошқаруви билан боғлиқ ҳар бир кишининг фаолияти ана шунга йўналтирилиши, ҳар қандай шахснинг манфаати, миллий ва умуминсоний манфаатга хизмат қилишга қаратилган бўлиши лозим.

Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, миллий меросимизнинг ғоявий негизи-шахс тарбияси, унинг маънавий эҳтиёжларига даъвогар бўлган омилларни ўрганишдан иборат бўлиб келган, ушбу муаммо ҳозирда ҳам жамиятимизда олиб борилаётган сиёсатда энг муҳим масалалардан бири сифатида намоён бўлмоқда.

Аждодларимизнинг маънавий ўгитлари инсон қадр-қиммати манфаатларига қаратилган бўлса, айни вақтда мустақил мамлакатимизда амалга оширилаётган барча янгиликлар ҳам инсон келажаги учун хизмат қилиши кўзда тутилган. Айни пайтда замонавий таълим-тарбия тизими ва миллий мерос асосидаги маънавий уйғунлик, таълим-тарбия жараёнида улкан халқ руҳиятидаги

маънавий-маърифий анъаналарга таяниш зарурлигини ҳам англатади. Шу жиҳатдан ўтмиш алломалари, мутафаккирларининг қолдирган маънавий меросларини ёш авлод тарбиясида битмас-тугалмас манба ва ибрат бўлиб қолади.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида ишлаб чиқилган кадрлар тайёрлаш миллий моделидан бош муддао қилиб комил инсон ва етук малакали мутахассисни тайёрлашни қўйилишида ҳам юқоридаги масалалар билан мантиқий алоқадорлик мавжуд. Зеро, кадрлар тайёрлаш миллий модели фақат таълим-тарбиядангина иборат эмас, балки бир-бирига боғлиқ бўлган кўпгина ҳаёт босқичларини ўз ичига олади. Миллий моделимиз бу - шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқаришнинг узвий бирлиги ва ҳамкорлиги, уларнинг ўзаро бир-бирига алоқасини акс эттиради.

Шахс кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларининг истеъмолчиси ҳамда уларни амалга оширувчисидир[4;144].

Худди шунинг учун ҳам бизнинг аждодларимиз таълим-тарбия масаласида инсон шахси унинг хусусиятларини ҳисобга олиб иш кўрганлар. Улуғ мутафаккир, қомусий олим Абу Наср Фаробий ёзганидек, таълим-тарбия ишини бошлашдан аввал тарбияланувчиларнинг шахсий ҳислатларини ўрганиш лозим.

Аллома ўзининг «Бахт-саодатга эришув тўғрисида» асарида билимларни ўрганиш тартиби ҳақида фикр баён этади[8;45]. Фаробий таълимотида инсон таълим ёрдамида барча фанларни пухта ўзлаштириш билан маънавий-аҳлоқий фазилатларга, одоб меъёрлари ва касб-ҳунарга оид малакаларга эга бўлишини таъкидлаб, «таълим-тарбияда рағбатлантириш, одатлантириш, мажбур этиш услубларини қўллаш ғоясини илгари сурди. Бу усуллар эса, ўз навбатида, Фаробийнинг «Фозил инсонлар жамияти» да аҳлоқан пок, баркамол авлоднинг тарбияси учун хизмат қилиш керак эди.

Фаробий таълим-тарбияга, биринчилар қатори таъриф берган мутафаккирлардан бири. Таълим деган сўз инсонга ўқитиш, тушунтириш асосида назарий билим бериш, тарбия инсоний фазилатни ҳамда маълум ҳунарни эгаллаш учун зарур бўлган хулқ меъёрларини ва амалий малакаларни ўргатишдир, - дейди олим. 1Х-Х асрдан кейинги даврларда яшаб ўтган алломалар ҳам инсон аҳлоқи, ёшлар тарбияси масаласига оид кўп иш олиб борганлар. Бу хайрли ишга тасаввуф оламининг алломалари Нажмиддин Қубро, Фаридиддин Аттор, Баҳовуддин Нақшбандий, Аҳмад Яссавий, Жалоллиддин Румий, Абдураҳмон Жомий, Азизиддин Насафий, Алишер Навоий каби инсониятнинг буюк даҳолари катта ҳисса қўшдилар. Бу алломаларнинг ижодий фаолияти, бой маънавияти туфайли миллий тарбия тизимининг асослари вужудга келди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, миллий моделимиз концепциясининг мазмуни миллий турмуш тарзимиз ва маънавий-аҳлоқий анъаналаримиз билан ҳамоҳангдир. Хусусан республикамиз жамиятшунос олимлари, файласуфлар, педагоглар таълим-тарбия тизимида миллий моделимизнинг асосий хусусиятларини таҳлил этар экан кўпроқ унинг миллий тарбиядаги ўрни ҳамда аҳамиятини очиб беришга эътибор қиладилар.

Жумладан, таниқли файласуф, академик марҳум Э.Юсупов тақлиф этган модел миллий тарбиянинг қуйидаги ҳусусиятлари билан боғлиқ жиҳатларини қадрлайди:

- миллий тарбияда, юксак аҳлоқий фазилатларни шақллантириш;
- ёшларга миллий мерос ва қадриятларни ўргатиш;
- инсон омилини шақллантириш;
- кишиларни ҳалол меҳнат қилишга ишбилармонлик ҳамда тадбиркорликка ўргатиш;
- ёшларда миллий ғурур туйғусини тарбиялаш;
- таълим ва тарбияни узвийлигини таъминлаш.

Олимнинг фикрича миллий тарбиянинг бу ҳусусиятлари замонавий таълим тизими билан уйғунлаша олиши билан бир қаторда миллий анъаналаримиз, қадриятларимиз билан боғлансагина ижобий самара беради.

Тарбия муаммолари деб хулоса қилади Э.Юсупов инсоният тарихининг барча даврларидаги ғоялар, мафкуралар тизимидан ҳам катта ўрин олган. Инсоннинг онги, эътиқоди учун бўлган курашлар ҳам ёшларга тарбиявий йўллар орқали таъсир этиш шақлида намоён бўлади. Шу сабабли ҳам жисмоний соғлом, маънавий баркамол инсонни тарбиялаш Ўзбекистон миллий истиқлол мафкурасининг асосий тамойилларидан бири бўлиб қолмоқда[9;18].

Зеро, миллий моделнинг бош муддаоси ҳам комил инсонни тарбиялашдир.

Фикримизча, комил инсонни ҳам замонавий ҳам анънавий таълим талабларидан четда туриб шақллантириб бўлмайди.

Зотан, жаҳондаги ривожланган давлатларнинг таълим-тарбия борасидаги тажрибаси илгор педагогик технологияларга асосланган ҳолда амалга оширилмоқда. Бу илғор тажриба ўқувчи-ёшларнинг билим олишга бўлган қизиқиши ва эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ улкан вазифаларни ҳам ҳал этмоқда.

Илғор педагогик технологиялар ҳозирги даврдаги таълим жараёнини янги сифат кўрсаткичларига олиб чиқиш мумкин бўлган услублар тизимига киради. Шундай экан, олий ўқув юртларида талабаларга билим бериш, уларнинг кўникма ва малакаларини шақллантиришда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш ва шу асосда таълим жараёнини йўлга қўйиш, жаҳон андозаларига мос келадиган мутахассисларни тайёрлашда қўл келади. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» ва уларнинг ижросини таъминловчи бошқа ҳужжатларда замонавий информацион ва педагогик технологияларини қўллаш ва шу орқали узлуксиз таълим самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор берилган. Педагогик технологиялар таълим беришнинг замонавий усулларидан энг муҳими бўлиб, уларни қўллаш, ўқувчи ва талабаларнинг шахсий сифатларини ривожлантириш ва такомиллаштириш имконини беради. Улар ўзига хос дидактик ва услубий асосларга эгадир.

Ҳар бир фан учун Давлат таълим стандартларига мос ҳолда ишлаб чиқилган Дастур асосида уларнинг ўзига хос ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда педагогик технологияни қўллаш ўқитувчи ва мураббийнинг маҳоратига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Бунинг учун аввало устоз-мураббий замонавий технологиялардан тўла хабардор бўлиши, компьютер имкониятларидан, интернет тармоғидан мультимедиа, аудио-видео техникаларидан фойдалана олиш салоҳиятига эга бўлиши зарур.

Худди шу боис, мамлакатимизда таълим тизимини такомиллаштириш ва замонавий информацион технологияларга асосланган таълимни жаҳон андозалари даражасига кўтариш давлат сиёсатининг муҳим таркибий қисмига айланган.

Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Миллий ғояда мужассам бўлган буюк мақсадларни рўёбга чиқариш авваламбор жамиятимиз ва шу жамият аъзоси бўлмиш ҳар қайси инсоннинг маънавий олами ва дунёқарашидаги ижобий ўзгаришлар билан бевосита боғлиқ эканини унутмаслигимиз зарур”[2;76].

Бу вазифаларни ҳал қилиш учун эса узлуксиз таълим тизимини йўлга қўйиш орқали, етук мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш масалаларига катта эътибор бериш, электрон дарслик, информацион ва педагогик технологиялардан унумли фойдаланиш ҳар доим кун тартибида турган масала бўлиб қолмоқда.

Адабиётлар:

1. И.А.Каримов. Юксак малакали мутахассис - тараққиёт омили. // Бунёдкорлик йўлида. 4-том.- Т., 1996
2. И.А.Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч.- Т.: Маънавият, 2008
3. Ўзбекистоннинг 16-йиллик мустақил тараққиёт йўли. И.А.Каримов маърузасидан / Ўзбекистон овози.- 2007.- 31 август.
4. Баркамол авлод орзуси. Т.: Шарқ НМАК, 1999
5. Ўзбекистонда барпо этилаётган жамият.- Т.: Ijod dunyosi, 2002
6. Миллий истиқлол ғоясининг амал қилиш тамойиллари. Т.: Ijod dunyosi, 2002
7. Ибодулла Эргашев. Тараққиёт фалсафаси. – Т.: Академия, 2000
8. К.Носиров. Аждодлар сабоғи // Жамият ва бошқарув.- 1999.- № 1-2
9. Э.Юсупов, Ў.Юсупов. Оила - маънавият булоғи.- Т., 2003

Андижон муҳандислик иқтисодиёт институти,
2009 йил 3 майда қабул қилинган
(Тақризчи: с.ф.д. К.Юнусов)